БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 48 (1568)
8 МАРТ СЕШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Қадрли хотин-қиз ўртоқлар, улуғ Совет Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари!

Шонли меҳнаткаш хотин-қиз ишчилар ва колхозчилар, фан ва техника арбоблари, маориф ва соғлиқни сақлаш, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш, адабиёт ва санъат арбоблари! Оналаримиз, дугоналаримиз ва опа-сингилларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни—8 Мартнинг 50 йиллиги—инсоният ҳаётидаги муҳим тарихий кун билан қизғин табриклайди ва қутлайди.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни—8 Мартнинг 50 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг мурожаати

Қадрли хотин-қиз ўртоқлар, улуғ Совет Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари!

Шонли меҳнаткаш хотин-қиз ишчилар ва колхозчилар, фан ва техника арбоблари, маориф ва соғлиқни сақлаш, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш, адабиёт ва санъат арбоблари! Оналаримиз, дугоналаримиз ва опа-сингилларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартнинг 50 йиллиги — инсоният ҳаётидаги муҳим тарихий кун билан қизғин табриклайди ва қутлайди.

Бундан ярим аср муқаддам Копенгагенда, социалист хотин-қизларнинг 2-Халқаро конференциясида Клара Цеткиннинг таклифига мувофиқ, Халқаро хотин-қизлар кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Ўша вақтдан бери 8 Март куни бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг бирдамлиги, уларнинг озодлик ва тенг ҳуқуқлилик учун, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун, яхши турмуш учун курашдаги бирлиги куни бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг хотин-қизлари ана шу ўтган йиллар мобайнида халқ бахти учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бордилар. Улар Коммунистик партия ва улуғ Ленин раҳбарлигида чор самодержавиесига, помешчиклар ва буржуазияга қарши революцион курашда актив қатнашдилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун қаҳрамонона жанг қилдилар, гражданлар уруши ва чет эл интервенциясининг оғир йилларида ёш Совет ҳокимиятини фидокорона ҳимоя қилдилар. Совет аёллари ўз оталари, эрлари ва ака-укалари билан биргаликда халқ хўжалигини тикладилар, мамлакатни индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни амалга оширдилар. Улар Улуғ Ватан урушининг жуда машаққатли кунларида фронтларда ва фронт орқасида бутун халқ билан биргаликда фашизм устидан ғалаба қозонишга сабот ва фидокорлик билан замин тайёрладилар, халқларнинг мустақиллиги ва озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Бизнинг хотин-қизларимиз урушнинг оқибатларини тугатиш ва урушдан кейинги беш йиллик планларни амалга ошириш йўлида кўп меҳнат ва ғайрат сарф қилдилар. Ҳозирги вақтда совет хотин-қизлари; нинг бутун кучларини КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини, етти йиллик планни, коммунистик қурилишнинг буюк программасини амалга оширишга ғоят зўр ғайрат билан сафарбар қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва бутун совет халқи совет хотин-қизларининг ана шу буюк хизматларини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар ва шонли меҳнатлари ҳамда она-Ватанга қатъий садоқатлари учун, коммунистик жамият қуришдан иборат ленинча ишга фидокорона ва жўшқин хизмати учун уларга чин қалбдан қизғин миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Бизнинг мамлакатимиз Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартнинг 50 йиллигини саноатни ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда янги ажойиб ғалабалар қўлга киритилган бир вазиятда нишонламоқда. Ер ва Қуёшнинг сунъий йўлдошларини, космик ракеталарни ва қитъаларароқ станцияларни дунёда биринчи бўлиб учириш, Ойнинг кўринмас томонини фото-суратга олишни амалга оширган совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг эришган муваффақиятлари бутун инсониятни қойил қилмоқда. Совет хотин-қизлари ҳам ана шу барча муваффақиятларни қўлга киритишда муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси жабр-зулмга ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига абадий хотима бериб, хотин-қизларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий тенглигини тарихда биринчи марта сўзда эмас, балки амалда таъминлади, уларнинг жамиятдаги аҳволини тубдан ўзгартириб юборди. Совет ҳокимияти хотин-қизларнинг иззат-ҳурматини таҳқир этувчи ва ерга урувчи эски чор ва буржуа-помешчик қонунларидан асар ҳам қолдирмай батамом йўқотди. Совет ҳокимияти хотин-қизларнинг чин эркинлигини ва эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга эканликларини эълон қилган янги қонунларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш билан бирга, бу қонунларни амалга ошириш учун, оналарнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун, совет хотин-қизларининг фаровонлиги ва маданиятини тўхтовсиз юксалтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодларини яшнатиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни ҳам амалга оширмоқда.

Хотин-қизларнинг давлатни бошқаришдаги актив иштироки совет хотин-қизларининг коммунистик қурилишдаги буюк роли эътироф этилаётганлигини ва уларнинг сиёсий ҳуқуқлари ғоят ҳурмат қилинаётганлигини исбот этувчи ёрқин далилдир. СССР Олий Совети составида 366 хотин-қиз бор, ёки улар барча депутатларнинг 27 процентини ташкил этадилар. 1959 йилда иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига 693 мингдан кўпроқ хотин-қиз сайланди. Бу эса, барча депутатларнинг 38 процентини ташкил этади. Миллионларча хотин-қизлар совет ва касаба союз органларининг ишлаб чиқариш, маданий-маиший комиссиялари ва бошқа комиссияларида, шунингдек турли жамоат ташкилотларининг ишида актив қатнашмоқдалар.

Совет хотин-қизларининг халқ хўжалигидаги роли йил сайин ошиб бормоқда. Ишчилар ва хизматчиларимизнинг 47 проценти хотин-қизлардир. Маданият ва меҳнаткашларнинг соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида айниқса кўп хотин-қиз ишламоқда. Халқ маорифи ходимларининг 69 процентини, халқ соғлигини сақлаш ходимларининг эса 85 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Революциядан илгари мамлакатимизда яшаган хотин-қизларнинг 86,3 проценти саводсиз эди, энг қора ва энг кам ҳақ тўланадиган меҳнат уларнинг қисмати эди. Хотин-қизларимиз Совет ҳокимияти шароитида дунёда биринчи марта илм олиш, фан ва маданиятни эгаллаш, ҳар қандай касбни ўрганиш, гарантияланган иш олиш ва тенг меҳнатга баравар ҳақ олиш учун беиҳоя катта имкониятларга эга бўлдилар.

Кейинги йигирма йил ичида олий маълумотли хотин-қизлар сони қарийб беш баравар, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли хотин-қизлар сони эса 4,4 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда СССРда хотин-қизлардан 233 минг инженер, 1 миллион 280 мингдан кўпроқ ўқитувчи, 300 мингга яқин врач, 110 мингдан кўпроқ илмий ходимлар бор. Хотин-қизлардан кўпи адабиёт ва санъат соҳаларида ўз қобилиятларини кўрсатди.

Хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсий активлиги ўсиши билан бир қаторда улар орасида энг кўп тайёргарлиги бўлган кишилар раҳбар партия, совет ва хўжалик ҳамда маданий ишларга кенг миқёсда кўтарилмоқда. Барча совет республикалари, ўлкалари ва областларида партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитетларининг раислари, министрлар, корхоналарнинг директорлари, колхозларнинг раислари, илмий муассасаларнинг раҳбарлари, касалхоналарнинг бош врачлари, мактаб директорлари, турли маданий-оқартув муассасаларининг мудирлари бўлиб муваффақиятли ишлаётган хотин-қизлар кўп. Хотин-қизларни бундан буён ҳам раҳбарлик ишига дадил кўтариш, уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва кундалик ишларида уларга ёрдам бериш зарур.

Совет хотин-қизларининг илҳомбахш меҳнати уларни ҳурмат ва шон-шарафга сазовор қилди. Бутун халқимиз ажойиб меҳнат зафарлари билан Ватаннинг шуҳратини оширган, коммунизм идеяларига чексиз содиқ эканлигини кўрсатган Вишний Волочек йигирувчиси Валентина Гаганова, Тамбов областидаги Коминтерн номли колхознинг раиси Евгения Андреева, ўзбек колхозчиси — механизатор Турсуной Охунова, сталинградлик сут соғувчи Вера Рибачек, омсклик чўчқа боқувчи Татьяна Перешивко, харковлик паррандачи Вера Сидора каби илғор хотин-қизларни тақдирлади. Рязань колхозчи аёллари ва мамлакатимизнинг кўпгина бошқа ажойиб меҳнаткаш хотин-қизлари бутун халқнинг шуҳратига муяссар бўлдилар.

1955—1959 йиллардагина Ватан ва халқ олдидаги катта хизматлари учун 69.959 хотин-қиз СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Шу давр ичида хотин-қизлардан 314 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олди. Урушдан кейинги даврда 24 хотин-қиз иккинчи марта «Ўроқ ва болға» олтин медали билан мукофотланди.

Бизнинг мамлакатимизда она беиҳоя юксак даражага кўтарилди. Онанинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасида кун сайин ҳормай-толмай қилаётган камтар меҳнати ғоят қадрланиб, қаҳрамонлик ва марҳликнинг юксак даражасига кўтарилди. Хотин-қизлардан 62 мингдан кўпроқ киши «Қаҳрамон она» номини олишга сазовор бўлди, 6,5 миллионга яқин киши «Оналик шуҳрати» орденлари билан ва «Оналик медали» медаллари билан мукофотланди.

Партия ва ҳукумат она ва бола тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар, хотин-қизларнинг меҳнатини ҳар томонлама енгиллаштиришга, барча оилаларнинг маиший шароитини яхшилашга интилмоқдалар. Уй-жой танқислигини тугатиш ва бу билан уй-жой проблемасини ҳал этиш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифа муваффақиятли суратда бажарилмоқда. Ўтган йилнинг бир ўзидагина ишчилар ва хизматчилар 2 миллион 200 мингдан кўпроқ шинам квартиралар олдилар. Қишлоқларда 850 мингга яқин янги уй-жойлар қурилди. Уй-жой қурилиши бундан буён ҳам тез суръатлар билан олиб борилади.

СССРда социал-маданий эҳтиёжларга — маориф, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, страхование ҳамда кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақалар тўлаш ишларига ажратилаётган маблағлар миқдори тўхтовсиз ортиб бормоқда. Мактаблар, касалхоналар, туғруқхоналар, пионер лагерлари, болалар боғчалари ва яслилари, болалар майдончалари шохобчалари йил сайин кенгаймоқда. Шу етти йилликда мактабгача болалар муассасаларининг эҳтиёжлари учунгина 103 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги вақтларда болалар муассасаларининг ишини, умумий овқатланишни, меҳнаткашларга маиший ва медицина хизматини янада яхшилаш юзасидан янги қарорлар қабул қилдилар. Етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши совет кишиларининг ҳаётини янада ёлчиган, маданий ва қувончли ҳаётга айлантиради.

Совет халқимиз етти йилликни яхши бошлаб берди. Еттинчи йилликнинг биринчи йили — 1959 йилнинг саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлари ошириб бажарилди. Йиллик пландан ташқари, қарийб 50 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари ана шу ўсишнинг ўзигина революциядан илгариги Россиянинг бутун саноати ишлаб чиқарган маҳсулотдан ортиқдир.

Бизнинг мамлакатимиз етти йилликнинг иккинчи йили—1960 йилда янада тез суръатлар билан ривожланади. Шу йилнинг ўзидагина неча юзлаб янги завод, фабрикалар, электростанциялар, шахта ва конлар ишга туширилиши лозим. Саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш яна анча кўпаяди. Иш куни ҳамма жойда 7 ва 6 соатгача қисқартирилади. Илғор ишчилар ва колхозчиларнинг ташаббуси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун, техникани тараққий эттириш ва ишлаб чиқаришнинг ёшириниб ётган резервларидан тўла фойдаланиш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

Етти йиллик иккинчи йилининг топшириқларини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ мусобақасининг биринчи сафларида бориш, меҳнатга ва болалар тарбиясига коммунистик муносабатда бўлишнинг юксак намуналарини кўрсатиш — совет хотин-қизларининг шарафли ишидир. Бутун совет халқи каби совет хотин-қизлари ҳам коммунистларча ишлаш ва яшашни қунт билан ва тинмай ўрганишлари лозим.

Кенг авж олдириб юборилган коммунистик қурилишнинг КПСС XXI съезди белгилаб берган улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқ учун бизнинг халқимизга мустаҳкам тинчлик керак. Бошқа ҳамма социалистик мамлакатлар, ер юзидаги оддий кишиларнинг ҳаммаси, бутун инсоният ҳам тинчликнинг сақланишидан манфаатдордирлар. Зўр бериб қуролланиш орқасида бойлик тўплайдиган, ўз фойдаларини кўпайтириш учун бутун инсониятни мудҳиш халокат гирдобига ташлашга тайёр турган кишиларгагина уруш керак.

Тинчлик учун кураш — авлодимизнинг ва бизнинг ўрнимизга келадиган авлодларнинг ҳаёти ва бахти учун кураш демакдир. Социализм жаҳон системасига айланиб, кучлар нисбатан социализм фойдасига ўзгарган ҳозирги пайтда, урушни кишилик жамияти ҳаётидан абадий чиқариб ташлаш учун реал имконият мавжуддир.

Совет ҳукумати турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципларга амал қилиб, мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик учун, жанжалли халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш учун сабот ва изчиллик билан кураш олиб бормоқда. Совет ҳукумати зўр бериб қуролланиш ўрнига қуролсизланишни, тинч иқтисодий ва маданий ҳамкорликни таклиф этмоқда. Ўз ҳаётини ва севгани ҳамда яқин турган кишиларининг ҳаётини қадрлаётган, инсон генийси вужудга келтирган моддий ва маънавий бойликларни қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

Суратда: (юқоридан чапдан) Чиноз районидаги Киров номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Сирдарё районидаги Ленин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошева, Тошкент Медицина институтининг профессори, медицина фанлари доктори Мунира Турсунхўжаева, Тошкент медицина институтининг профессори О. Н. Павлова, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози маккажўхори бригадасининг бошлиғи Ли Любовь, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Садди Пўлатова, республикада хизмат кўрсатган артист Клара Юсупова, Тошкентдаги 19- мактабнинг ўқитувчиси Ҳамро Бахромова, 1-тикувчилик фабрикасининг мотористкаси Валентина Токарева, Калинин районидаги Сталин номли колхознинг пиллачиси Ҳаниза Зиётова, техника фанлари доктори Мақсуда Хожинова, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг звено бошлиғи Назира Йўлдошева, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Мария Ковалёва ўртоқлар.

Москва меҳнаткашларининг 5 мартда Спорт саройида бўлган митингида

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ сўзлаган нутқининг баёни

Шарқ-Жанубий Осиё мамлакатларига дўстлик визити билан қилинган узоқ сафардан сўнг, деди Н. С. Хрушчев, бугун биз ватанга, ўзимизга қадрдон бўлган Москвага қайтиб келдик ва партия ҳамда ҳукуматнинг топшириғини бажарганлигимизни сизларга хурсандлик билан айтиб берамиз. Ҳиндистонда, Бирмада, Индонезияда ва Афғонистонда бўлган кунларимизда биз шу мамлакатларнинг халқларига Совет Иттифоқининг халқлари ва ҳукумати номидан самимий, қардошлик саломини топширдик. Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва Афғонистоннинг давлат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари биз билан бўлган учрашувларда тинчлик учун курашаётган совет халқига ўзларининг дўстона саломларини ва яхши истакларини айтиб юбордилар. Шарқнинг бизга дўст мамлакатларидаги халқларнинг самимий табриклари ва истакларини сиз азиз москваликларга, барча совет кишиларига зўр хурсандчилик билан топшираман.

Президент Сукарно жанобларининг таклифига биноан, қилган сафаримизнинг кўп вақти Индонезияда ўтди. Индонезияга қилинган сафар ғоят фойдали ва самарали бўлди. Президент Сукарнонинг ташаббусини Индонезия ҳукумати ва бутун халқ қизғин равишда қувватлади. Индонезияда бизни, Совет Иттифоқининг вакилларини, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, яқин дўстлардек, қардошларча кутиб олдилар. Шарқнинг бошқа мамлакатларида бўлганидек, узоқ Индонезияда ҳам Советлар мамлакатининг, унинг қаҳрамон халқининг инсоният эркинлиги ва бахт-саодати учун курашдаги, тинчлик учун курашдаги улуғ роли зўр миннатдорчилик билан таъкидлаб турилди. Бу миннатдорчилик жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган қаҳрамонона ишлар қилган халқимиз учун улуғ шарафдир.

Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики, Совет мамлакати биринчи бўлиб янги дунёга йўл очди, жамият прогрессив тараққиётининг бош йўлини аниқ кўрсатиб берди. Эндиликда ишчилар, деҳқонлар, прогрессив зиёлилар, меҳнаткаш халққина эмас, ҳатто, социализм душманлари ҳам Совет Иттифоқи коммунизм қуриш йўлидан борий, жаҳоннинг энг улуғ давлати бўлиб қолганлигини, бу давлатнинг муваффақиятларига бутун инсоният ҳайратда қолаётганлигини кўриб турибди.

Сўнгра Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи эришган жуда катта муваффақиятларини эътироф қилган АҚШ сенат комиссияси яқинда эълон қилган доклади ҳақида гапиради. Америка сенаторлари, деб давом қилади Н. С. Хрушчев, буни осонлик билан эътироф қилганлари йўқ. Совет Иттифоқининг муваффақиятлари капиталистик дунё идеологларини ва сиёсатчиларини саросимага солиб қўймоқда. Уларни қўрқитаётган нарса шуки, биринчидан, Совет Иттифоқи экономикани ривожлантириш даражаси жиҳатидан яқин келгусида Америка Қўшма Штатларига, ҳеч шубҳасиз, етиб олади ва ўзиб кетади; иккинчидан, Совет Иттифоқининг иқтисодий қудрати ўса борган сари, унинг собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларга кўрсатаётган ёрдамининг миқдори таққослаб бўлмаслик даражада кўпая беради; учинчидан, ўз мамлакатларининг мустақиллиги учун курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари Совет Иттифоқи қолоқликдан қисқа муддат ичида тараққиётга қандай қилиб ўтиш мумкинлигини кўрсатувчи намуна эканлигини кўриб турибдилар.

Ўзларини мустақил ривожлантириш йўлида биринчи қадамларни қўйган, ажнабий зодимларни аралаштирмай яшаб бунинг биринчи меваларини татиб кўрган Шарқ халқлари мустамлакачилик бўйинтуруғини ҳеч қачон ўз бўйинларига яна осишга йўл қўймайдилар. Улар империалистик мустамлакачиларга қарши олиб бораётган курашларида якка-ёлғиз эмаслар, чунки ўзларининг содиқ ва қудратли дўстлари—социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун дунёда прогрессив кучлар борлигини биладилар.

Н. С. Хрушчев Индонезияда бўлганликлари ҳақида гапириб, бизни қизғин ва дўстона кутиб олганликлари, бу мамлакатда бўлган учрашувлар Совет Иттифоқи ва Индонезия Республикаси халқларининг бузилмас дўстлигини кўрсатувчи шодиёна намойишга айланди, ажойиб мамлакат тўғрисидаги, унинг меҳнатсевар ва талантли халқи тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитди, деди. Биз Индонезия қадимий катта маданият мамлакати эканлигини кўрдик. Энди Индонезия мустақил мамлакат сўлиб олди, унинг халқи куч йиғмоқда, экономикаси ва маданияти ривожланмоқда. Буни кўриб хурсанд бўлдик, шунинг учун ҳам индонезларнинг муваффақиятларига қувондик.

Н. С. Хрушчев, СССР билан Индонезия Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида янги битим имзоланганлигини эслатиб, Индонезия халқи, унинг ҳукумати Совет Иттифоқининг ёрдамига юксак баҳо берди, деб айтди. Давлат бошлиғи Президент Сукарно суҳбатларда ҳам, шунингдек ўзининг расмий нутқларида ҳам буни қайд қилиб ўтди. Совет кишилари Индонезиянинг бизга дўст халқига ёрдам кўрсатаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланишлари мумкин. Мана шунинг ўзида халқимиз амалда рўёбга чиқараётган марксча-ленинча интернационализм принципи ёрқин намоён бўлмоқда.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

УИҒУН

Улуғ айёмингиз билан

Ўтмишнинг бераҳим мунофиқлари
Сизни қон йиғлатиб, таҳқирлаб, хўрлаб;
Елкангизга ортиб тоғдай ғуссани,
Минг хил азоб билан жабрлаб, зўрлаб;

Тортиб олиб ҳаққу-ҳуқуқингизни,
Паранжига ўраб, мол каби сотиб;
Аёвсиз синдириб қанотингизни
Ичкарига қамаб — зиндонга отиб;

Маҳрум этиб бахтдан, эркин яшашдан,
Қўл-оёғингизни занжирга боғлаб;
Қонли панжа билан халқумдан бўғиб,
Гулдай бағрингизни оловда доғлаб;

Сўриб олиб қувват, мадорингизни,
Сўнгра «заифа» деб лақаб қўйдилар.
Улар «эрк!» — деганни дорга осдилар,
«Ҳуқуқ!» — деганларни қўшдек сўйдилар.

Улар ҳақингизга туҳмат қилдилар,
Улар топтиб келди шуҳратингизни.
Улар кўр устида ёткон кул каби
Яшириб келдилар кудратингизни.

Топталган истеъдод, боғланган қувват
Зорлиқ кутарди эркин замонни.
Ниҳоят Октябрь қуёши болқди
Шуълага тўлдириб кекса жаҳонни.

Октябрь қуёши ёндирди мангу
Паранжи, чачвонни — қора кафанни,
Қўлингизга берди улуғ партия
Ёруғ машъал қилиб маърифат, фанни

«Ичкари» бузилди, кишан узилди,
Энди ҳеч ким сизни молдек сотолмас.
Энди ҳеч ким сизни таҳқирлаб, хўрлаб
Минг хил азоб билан ўтга отолмас.

Ҳа, азиз оналар, опа-сингиллар,
Ўтиб кетди ўтмиш ваҳмали тушдай.
Эркингиз, бахтингиз ўз қўлингизда,
Озодлик боғида учасиз қушдай.

Сизнинг қудратингиз, сизнинг кучингиз
Эндликда бутун дунёга аён.
Донгдор колхозчилар, моҳир ишчилар
Шу буюк қудратни этмоқда баён.

Уста санъаткорлар, доно олимлар
Истедодингизни кўрсатар яққол.
Ҳа, бизнинг замонда бахтли хотин-қиз,
Зўр севги, ҳурматга сазовор аёл.

«Занфа» деганлар бўҳтон қилдилар.
Сиз занф эмассиз, сиз қаҳрамонсиз.
Сиз бизга энг яқин, энг содиқ дўстсиз,
Сиз муҳтарам она, сиз меҳрибонсиз.

Сиз меҳнатда ҳамкор, жангда сафбастда,
Сиз эзгуликларга тугамас консиз.
Сиз оила бахти, жамият кўрки,
Сиз ёрқин қуёшсиз, севгисиз, шонсиз!

«Ожиза» деганлар туҳмат қилади,
Асоси йўқ гаплар эгамас кучга.
Бу ёлғон афсона, бу уйдирмани
Зоялар, Лизалар чиқарди пучга.

«Ожиза» деганлар Турсунойларнинг,
Боқсин, меҳнатига, маҳоратига.
Кесилсин тиллари, ҳақорат билан,
Тил теккизганларнинг аёл зотига.

Дўстлар табриклаймиз чин қалбимиздан
Улуғ айёмингиз, байрамингизни.
Сиз бизга ўртоқсиз, ҳамкорсиз, ёрсиз,
Севамиз ва ҳурмат қиламиз сизни.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети мамлакатимизда колхоз қурилишининг йирик ташкилотчиси, Чиркасск области Тальнов районидаги «Здобуток Жортия» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, КПСС Марказий Комитети Ревизия Комиссиясининг аъзоси ўртоқ Федор Иванович ДУБКОВЕЦКИЙ оғир касалликдан кейин 1960 йил 6 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни—8 Мартнинг 50 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг мурожаати

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг 1959 йил куз фаслида АҚШга қилган тарихий визити, унинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Совет ҳукумати номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритган таклифлари халқаро муносабатларнинг илиғига ёрдам берди. СССР Олий Советининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган сессияси халқаро вазиятдаги кескинликни янада юмшатиш йўлини оғишмай давом эттириб, Совет Иттифоқининг ўзи қуролли кучларимиз сонини яна анча камайтириши тўғрисида Қонун қабул қилди. Бутун совет халқи бу Қонунни яқдиллик билан маъқуллади ва барча мамлакатларнинг халқлари бу Қонунга буюк инсонпарварлик ва тинчликсеварлик намунаси, деб юксак баҳо бердилар.

Совет қишилари дадиллик билан қабул қилинган ана шу олижаноб қарор барча давлатларни ва, биринчи галда, Ғарбдаги буюк давлатларни шунга ундовчи намуна бўлади, деб ишонадилар. Эндиликда бутун гап уларда қолган.

Н. С. Хрушчевнинг Осиё мамлакатларига қилган сафари империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашаётган барча халқлар Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсатига қандай юксак баҳо бераётганликларини яна ва яна бир марта кўрсатди.

Барча халқлар буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг яқинда бўладиган учрашувидан ижобий натижалар қутмоқдалар. Ана шу ижобий натижалар планетамизда яшовчи кишиларнинг қалбида мустаҳкам тинчлик бўлишига ишонч туғдирсин, барча мамлакатлар ва барча қитъаларда яшовчи кишилар: «Ўрушга абадий хотима бериш вайти келди!» деб айта олсинлар.

Совет хотин-қизлари ўз жонажон Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб, ўзларининг бутун кучларини тинч яратувчилик меҳнатига сарф қилиб, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ва дўстлик ўрнатиш ишига бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Пролетар интернационализми руҳида тарбияланган совет хотин-қизлари ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган барча халқлар билан, капиталистик эксплуатацияга қарши, ўзларининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилаётган барча меҳнаткашлар билан, капиталистик мамлакатлар, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг жамиятда тенг ҳаводда бўлишни талаб этаётган барча хотин-қизлари билан чинакам қардошларча бирдамликнинг чуқур туйғуларини изҳор қилмоқдалар.

Совет хотин-қизлари дунё халқларининг эксплуатацияга, жабр-зулмга ва мустамлакачиликнинг асоратига қарши курашда эришган ҳар бир янги муваффақияти билан қувонадилар.

Совет хотин-қизларининг чет мамлакатлар хотин-қизлари билан дўстона алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик ипларини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстона ҳамкорликни, ривожлантиришга, ер юзида мустаҳкам тинчликнинг қарор топишига бутун чоралар билан ёрдам бериш зарур.

Хотин-қизлар, оналар, дугоналар ва опа-сингиллар, қадрли ўртоқлар! Коммунизмнинг порлоқ идеалларига, эркинлик ва мустақиллик, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик идеалларига ҳамиша содиқ бўлингиз. Барча мамлакатларнинг хотин-қизлари билан бузилмас бирдамликни мустаҳкамлангиз.

Оналик муҳаббатининг муқаддас алангаси бутун дунёда урушга қарши кўтарилсин, барча кишиларнинг қалбини тинчлик ва дўстлик учун, болаларимизнинг порлоқ истиқболи ва бахти учун, ақл-идрок ва адолатнинг тантанаси учун курашга илҳомлантирсин!

Толмас меҳнаткаш, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари, тинчлик учун оташин курашчилар бўлган совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март!

Яшасин бутун дунёнинг меҳнаткаш хотин-қизлари!

Яшасин тинчлик, демократия ва социализм таянчи — қудратли Совет Ватанимиз!

Яшасин коммунизм қуриш йўлидаги курашда совет халқининг буюк илҳомлантирувчи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ сўзлаган нутқининг баёни

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Эндиликда Шарқ халқлари, деб давом қилди Н. С. Хрушчев, жаноб мустамлакачиларга қатъий қилиб шуни айтмоқдаларки, шармандали мустамлакачилик даври тугамоқда. Мустамлакачилар Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларига ўз айтганларини зўрлик билан қилдира оладиган ва арзимас пул сарфлаб, катта-катта фойдалар оладиган вақтлар абадий ўтиб кетмоқда. Ажнабийларнинг асоратидан қутулиб, сиёсий мустақиллик олган халқлар ўз давлатларини тиклаб олиб, ўз экономикалари ва маданиятларини ривожлантирганларидан кейин, нақадар улуғ ишларни қилишга қодир эканликларини жаноб мустамлакачилар кўрганларидан кейин ҳали неча марталаб оғизларини очиб ҳайратда қолишлари, таажжубланиб, бақрайиб қолишлари турган гап.

СССР Министрлар Советининг Раиси Индонезия сафарининг якунларига тўхталиб, ҳозирги вақтда Совет Индонезия муносабатларида янги саҳифа очилаётганлигини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқлари учунгина фойдали бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, тинчликни мустаҳкамлаш ва тинч-тотув яшаш принципларини амалда рўёбга чиқариш ишига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Индонезиянинг миллий қаҳрамони, Шарқнинг атоқли давлат арбоби дўстимиз Сукарно Совет Иттифоқига яна меҳмон бўлиб келиши тўғрисидаги хабарни барча совет кишилари эшитиб, мамнун бўлдилар, деб ўйлайман, деди Н. С. Хрушчев. Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келиш тўғрисидаги таклифни Индонезия ҳукуматининг биринчи министри Жуанда ҳам қабул қилди. Бу визитлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сўнгра Н. С. Хрушчев, дўст Ҳиндистонда бўлганлиги ҳақида гапиради. У чин қалбдан кутиб олганликлари учун Ҳиндистон Бош Министри Неру жанобларига самимий ташаккур изҳор қилади. Биз, деди Н. С. Хрушчев, у билан узоқ суҳбатлар ўтказдик ва бу суҳбатлар яхшироқ ҳамжиҳатликка эришишга ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни тарин кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистонга қилган сафари ҳақида гапириб, Бхилаидаги металлургия комбинати жуда катта таассурот қолдирганлигини айтади. Илгари Бхилаи бир неча ўнлаб эски уйлардан иборат кичкина қишлоқ экан. Ҳозир эса, шу қишлоқ ёнида бутун бир янги шаҳар вужудга келган, бу шаҳарда қурилаётган янги Ҳиндистоннинг қудратли нафаси, айниқса сезилиб турибди. Совет халқи ўз тарихи тажрибасидан шуни яхши биладики, оғир саноат бўлмаса, катта заводлар, фабрикалар, комбинатлар бўлмаса, ҳеч бир давлат ўз экономикасини муваффақиятли равишда ривожлантиролмайди. Оғир саноат мамлакатнинг кучи ва қудратидир, мамлакат мустақиллигининг негизидир. Ҳиндлар Совет мамлакатига нисбатан ўз ҳисларини изҳор қилмоқ учун «Ҳинди-руси бхай, бхай!» деб айтаётган шиор у ерда, Бхилаида, ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики, Ҳиндистон бош министри билан ўтказган суҳбатларимиз Ҳиндистон Республикасининг тинчликсевар сиёсатига биз ҳурмат билан қараётганимиз каби Ҳиндистонда ҳам Совет ҳукуматининг ташқи сиёсат йўли, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун олиб бораётган курашимиз лозим бўлган даражада тушунилаётганлигини яна бир марта исботлади.

Мен Совет ҳукумати номидан, деди Н. С. Хрушчев, Ҳиндистон Бош министри Неру жанобларини Совет Иттифоқига яна меҳмон бўлиб келишга таклиф қилдим ва у бизга меҳмон бўлиб келишга розилик берганлигидан мамнун бўлганлигимизни изҳор қиламиз.

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси Бирма Иттифоқида бўлганлиги ҳақида гапиради. Расмий шахслар ҳам, оддий кишилар ҳам, дейди Н. С. Хрушчев, бизни жуда дўстона ва самимий кутиб олдилар. Социалистик Ватанимизнинг обрўси нақадар юксак эканлигини биздан, ҳатто, шунчалик узоқ бўлган мамлакатларда ҳам Ватанимизнинг овозига шу кадар эътибор билан қулоқ солинаётганлигини у ерда ҳам очиқ ҳис қилдик.

Н. С. Хрушчев Бирма Иттифоқининг Президенти У Вин Маунг билан, бош министр генерал Не Вин билан, собиқ бош министр У Ну билан бўлган учрашувлари ҳақида ва унинг партияси яқинда ўтказилган умумий сайловларда овозларнинг катта кўпчилигини олганлигини айтиб бундай деди: Биз Рангундан астойдил мамнун бўлиб жўнаб кетдик, чунки Совет Иттифоқи билан Бирма ўртасидаги муносабатлар тўғри йўлдан бораётганлигига яна бир марта қаноат ҳосил қилдик. Тинчлик учун курашнинг, мустамлакачиликка қарши курашнинг асосий масалаларида бизнинг йўлимиз умумийдир. Бизнинг мақсадларимиз бир-бирига тўғри келмоқда. Бу нарса бизнинг сафаримиз муносабати билан эълон қилинган Совет-Бирма қўшма ахборотида ҳам ўз ифодасини топди.

Н. С. Хрушчев Бирма президенти У Вин Маунг ва Бирманинг ҳозирги бош министри генерал Не Вин Совет ҳукуматининг СССРга келиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилганликларини айтади.

Афғонистонда, дейди Н. С. Хрушчев, бизни жуда яхши кутиб олишди. Бундан тўрт йил мукаддам Афғонистонда бўлган эдим ва ўша вақтдаги Кобил ҳали ҳам эсимда яхши турипти. Шу вақт ичида у ерда катта ўзгаришлар рўй берди. Кўпгина замонавий уйлар ва хизмат бинолари қурилди, бир қанча саноат корхоналари барпо қилинди. Пойтахтнинг марказий кўчаларига асфальт қопланди. Кобилга бораётган йўлимизда ва шаҳарнинг ўзида кўпгина афғонлар бизни фақат ўз она тилларидагина эмас, шу билан бирга, бизнинг рус тилимизда ҳам табриклаб турдилар.

Афғонистонда қисқа вақт турган бўлсак ҳам, шу вақт ичида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ билан, подшо ҳукуматининг Бош министри Муҳаммад Довуд билан ва Афғонистоннинг бошқа давлат арбоблари билан ҳар иккала томон учун жуда фойдали суҳбатлар ўтказдик. Ҳамжиҳатлик ва самимият руҳида ўтган бу суҳбатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада маҳкамлашга, яқин ва ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Н. С. Хрушчев нутқининг охирида айтдики, Ҳиндистонга, Бирмага, Индонезияга, Афғонистонга қилган сафаримиз Совет Иттифоқи халқларининг Шарқ халқлари билан тинч-тотув яшаш асосида ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган дўстлигини, халқаро кескинликни янада юмшатиш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун биргаликда курашишга қаттиқ бел боғлаганимизни яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

Совет Иттифоқи тинчлик байроқлари эканлигини энди ҳамма эътироф қилмоқда, деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев,— улуғ халқ Хитойи ва бошқа социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқи билан бир сафда бормоқдалар. Мустақил ва тинч ривожланиш йўлига тушиб олган Шарқ халқлари бизлар билан биргa.

Олдимизда жиддий ва муҳим музокаралар турибди. Аввал биз Франциянинг давлат арбоблари билан, президент де Голль билан, сўнгра эса, орадан бироз вақт ўтгач АҚШ, Англия ва Франция давлат арбоблари билан жиддий ва муҳим музокаралар олиб боришимиз керак.

Совет Иттифоқи халқаро кескинликни янада юмшатиш, низоли масалаларни тинчликда бартараф қилиш йўлини бошқа давлатлар билан биргаликда қидириб топишга тўла равишда тайёр бўлган ҳолда, бу музокараларга боради. Биз бўладиган музокаралар учун қулай вазият туғдиришга нимани зарур бўлса, шуларнинг ҳаммасини қилиб келдик ва қиламиз.

Н. С. Хрушчев, совет халқларининг Ҳиндистон, Индонезия, Бирма ва Афғонистон халқлари билан, ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқ учун курашаётган ҳамма мамлакатларнинг халқлари билан бўлган дўстлиги шарафига, бутун дунёда тинчлик шарафига табрик сўзлари айтади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи қизғин гулдурос қарсақлар билан бир неча марта бўлиниб турди.

(ТАСС).

Мусобақадош фарғоналиклар аниқлаган камчиликларни тезда бартараф қилайлик!

Фарғоналик мусобақадошлардан бир группаси Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда; Чуст районидаги Калинин номли колхознинг комсомол комитетининг секретари С. Қурбонов, Охунбобоев номли колхознинг раиси Н. Бозоров, Косонсой район ранси А. Убайдуллахўжаев ўртоқлар экишга тайёрланаётган маккажўхори уруғлигини кўздан кечирмоқдалар. Суратда: (чапдан) В. Салов фотоси.

Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг семинар-кенгаши

7 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида ижтимоий фанлар ўқитувчилари ҳамда олий ўқув юртларидаги партия ташкилотлари секретарларининг республика семинар-кенгаши ўз ишини бошлади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети уюштирган бу семинар қатнашчилари орасида олий ўқув юртларининг директорлари, область ва шаҳар партия комитетларининг вакиллари, комсомол ходимлари, республика Фанлар академиясининг олимлари, СССР Олий таълим министрлигининг ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус таълим Давлат комитетининг масъул ходимлари бор.

Кенгашни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори муносабати билан ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева доклад қилди. Доклад юзасидан музокаралар бошланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудирининг ўринбосари Д. М. Кукин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзоси Г. Ф. Наймушин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимовлар қатнашмоқда.

Семинар-кенгаш бир неча кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ИШ ЎЛДА ЖУЛДА БЎЛГАЧ...

Охунбобоев номли колхоз аъзолари чигитни қисқа вақт ичида юқори сифатли тайёрланган ерларга экиб, ернинг ўз намига ундириб олиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Қўриқ ерлар ҳисобига пахта майдони 70 гектарга кенгайтирилди. 80 процент миперал ўғит ташиб олинди, 4,5 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланди. Колхоз правлениеси пахтачиликни комплекс механизациялаштириш мақсадида барча майдонга чигитни квадрат-уялаб экишни планлаштирди. Бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун колхоз механизаторлари 24 та чопиқ трактори, сеялкани ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйдилар. Суғориш тармоқлари тартибга солинди. Экишгача бўлган бошқа ишлар ҳам яқин кунлар ичида тугалланади.

Лекин Сирдарё районида кўклам экишига пухта тайёргарлик кўрмаётган, навбаҳор келса ҳам бепарволик қилиб юрган колхоз раҳбарлари йўқ эмас. Бунга Тарас Шевченко номли колхозни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Колхозда ўтган йили ҳосилдорликни ошириш тадбирлари тўла-тўкис амалга оширилмади. Натижада эгатлаш олдида зиммага олинган мажбуриятгина эмас, ҳатто план ҳам бажарилмади.

Колхоз раҳбарлари район миқёсида бўлган йиғилишларда «Ўтган йилги хатодан жиддий хулоса чиқарамиз, 875 гектар ернинг ҳар гектаридан 25,3 центнердан пахта берамиз, гектаридан олинадиган ҳосилни 5 центнерданга кўпайтиришни таъминлаймиз» деб кўпчиликни ишонтирдилар.

Аммо гап бошқаю, иш бошқа экан. Баҳор яқин,чигит экишга саноқли кунлар қолди. Бу колхоз раҳбарларига аён. Лекин улар ҳалигача иссиқ жойларидан қўзғалганлари йўқ.

Колхоз правлениесидаги маълумотларга қараганда тайёргарлик жойида, техника тайёр. Колхоз раиси Ж. Маманов, партия ташкилотининг секретари Н. Алиев ўртоқлар шу маълумотларга ишониб «ишимиз жойида экан» деб хотиржамланиб юрибдилар.

Дала ишлари қандай уюштирилганлигини текшириб қаралса тайёргарлик ишлари ниҳоятда суст эканлиги яққол кўзга ташланади. Мусобақадош Фарғона область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан С. Қурбонов, Н. Бозоров ўртоқлар бу колхозда бўлганларида, жиддий камчиликларга йўл қўйилгани, ҳатто айрим раҳбарлар камчиликларни яшириб, кўзбўямачилик билан шуғулланаётганликларини кўрсатдилар.

Колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари ўртоқ М. Мезин ўзаро текшириш бригадаси аъзоларига «техника, қишлоқ хўжалик машиналари тайёр, бугун деса бугун, эрта деса эртага далага чиқаришимиз мумкин» деб ахборот берди. Лекин ўртоқ Мезиннинг гапи тўғри бўлиб чиқмади. 3 та чопиқ трактори, 3 та сеялка ҳамон ремонтдан чиқарилмабди. Тракторчи ўртоқ Ж. Равшановга бириктирилган универсалкинг тирков асбоблари тайёр эмас. 10 та сеялка ремонт қилинган-у, мойланмаган, камчиликлари текширилмаган, очиқда занглаб ётибди. Ремонтдан чиқарилган тракторларнинг рулида жиддий камчиликлар кўп. Трактор ҳам, қишлоқ хўжалик машиналари ҳам очиқда лойга қоришиб ётибди. 12 та экиш агрегатига бириктирилган кадрлар назарий жиҳатдан ўқитилган бўлса ҳам улар билан амалий машғулот ўтказилмабди.

Кўриниб турибдики, колхоз раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экамиз, пахта етиштиришни кўпроқ механизациялаштирамиз, деб оғизда кўп гапирсалар ҳам амалда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрган эмаслар.

Маҳаллий ўғит жамғариш ва уни ўз вақтида далаларга ташиб чиқаришдек шу кеча-кундузнинг энг муҳим вазифаси ҳам унутилган. Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари сводкада 3075 тонна маҳаллий ўғит тайёрланганини кўрдилар. Далага чиқиб текширилганда бу соҳада ҳам кўзбўямачиликка йўл қўйилгани маълум бўлди. Ҳали тайёрланмаган 1300 тоннага яқин ўғит сводкага қўшимча ёзилипти. Ўртоқ Т. Маманов бошлиқ бригадада 315 тонна маҳаллий ўғит тайёрланибди-ю, сводкада 515 тонна деб кўрсатилибди. Кўпгина ариқлар тозаланиб тартибга солинмаган. Колхозда бирор гектар ер ҳам экишга тайёр эмас.

«Октябрь» колхозида ҳам аҳвол ана шундай. Меҳнатни ташкил қилишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Дала ишларига меҳнатга қобилиятли колхозчиларнинг фақат 25 — 30 процента қатнашади, холос. Ерларнинг бурчаклари ҳалигача ҳайдалмаган. Колхоз правлениесининг бир гектар ерга фақат 2 тоннадангина маҳаллий ўғит тайёрлашни планлаштиргани фарғоналик меҳнатларни ажаблантирди. Ўртоқ Х. Тошев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси бир тонна ҳам маҳаллий ўғит тайёрламагани ҳолда «гектаридан 25 центнердан ҳосил берамиз» деб ўз-ўзини алдаб юрибди. Бу колхозда ҳам техника, қишлоқ хўжалик машиналарининг бир қисми ремонт қилинмаган. Ремонтдан чиқарилганлари эса текшириб кўрилмаган.

Колхозда 1200 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилмоқчи. Лекин янги усулда экадиган трактор, сеялка ва экипаж аъзолари тахт эмас. Колхоз правлениеси ва унинг раиси Т. Абдукаримов, партия ташкилотининг секретари Шамсиев ўртоқлар ирригация-мелиорация ишларини тезроқ тугаллаш тадбирларини кўрмаганлари сабабли бу иш кечикаётир.

Иш ўлда-жўлда бўлгач, келгуси йил мўл ҳосили ҳақида гап бўлиши мумкинми, ахир?

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Халқаро хотин-қизлар куни 50 йиллигининг Тошкентда байрам қилиниши

Ўзбекистон пойтахти катта ва қувончли байрамни — Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу муҳим воқеага бағишлаб, 7 мартда Навоий номидаги опера ва балет театрида тантанали йиғилиш бўлди. Театр зали шаҳар корхоналари, муассасалари ва ўқув юртлари коллективларининг вакиллари, яқин атрофдаги колхозларнинг аъзолари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари билан лиқ тўлди.

Йиғилиш президиумида республиканинг донгдор хотин-қизлари — саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторлари, фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистонда хотин-қизлар революцион ҳаракатининг ветеранлари, қаҳрамон оналар бор. Президиум столи олдида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолари О. А. Алимов, М. А. Абдураззоқов, Г. А. Габриельянц, Г. Ф. Наймушин, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат К. М. Муртазоев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Д. М. Кукин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. П. Логинов, тепловоз машинисти Б. Мирбобоева, Ўрта Осиё давлат университетининг профессори Н. М. Мирошхина, СССР халқ артисткаси С. Эшонтўраева, Октябрь революциясининг қатнашчилари Ш. Ғойибжонова, Т. Иброҳимова, М. Ф. Егорова ва бошқалар ўтирибдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева очади. У Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллиги совет халқининг сиёсий ва меҳнат ғайрати гоят юксалган, мамлакатимиз коммунизмнинг нурли чўққилари сари галаба билан бораётган вазиятда нишонланаётганлиги ҳақида гапиради. Улуғ Ленин тузган ва тарбиялаб ўстирган Коммунистик партия хотин-қизларни ижодий меҳнатнинг кенг йўлига олиб чиқди. Эндиликда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳамма совет хотин-қизлари билан бирга янги ҳаёт қурувчиларнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Бугун, байрам кунида, — дейди ўртоқ Раҳимбобоева йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида, — Ўзбекистоннинг меҳнаткаш хотин-қизлари атоқли ленинчи, тинчлик учун саботли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетига чин кўнгилдан, чин қалбдан қизғин муҳаббат ва оташин салом сўзларини, ўзларининг бахтли ҳаёти учун чуқур ташаккур ва миннатдорчилик сўзларини йўллайдилар.

Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи давлат гимнининг улуғвор садолари янграйди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми гоят баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Тўқимачилик комбинатининг илғор тўқувчиси Л. Светашева минбарга чиқади. У, Совет мамлакатимиздаги ҳар бир меҳнаткаш эришган бахтли ҳаёт учун жонажон Коммунистик партияга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади. Мамлакатимиз Ильич чизиб берган йўлдан бориб катта муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар кун сайин ортиб боради.

Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Р. Бўронова бутун куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга оширишга бағишлаган колхозчи хотин-қизларнинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонлиги тўғрисида гапиради.

Республиканинг энг кекса коммунист аёлларидан бири Ш. Ғойибжонова сўз берилади. У Владимир Ильич билан ўзининг учрашуви ҳақида, Ленининг Шарқ хотин-қизларини озодликка чиқаришга катта аҳамият берганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапиради. Ильичнинг васиятлари амалга оширилмоқда. Бу васиятлар совет халқларининг бузилмас дўстлигида, социалистик экономика ва маданиятнинг қудратли юксалишида ўз ифодасини топмоқда.

Совет фанини олга бостираётган хотин-қизлар катта армиясининг вакили профессор О. Д. Русанова нутқ сўзлайди.

Кўп болали она, лақ-бўёқ заводининг ишчиси Х. Умарова оналар бахти тўғрисида, болаларнинг соғлиги ва уларни тарбиялаш ҳақида тинмай гамхўрлик қилаётган Коммунистик партияга қизғин миннатдорчилик изҳор қилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган аёл ўқитувчи А. С. Коваленко ҳам ўз нутқида шу тўғрида гапиради.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари К. Сомова ёшлар номидан гапиради. Совет мамлакатининг йигит ва қизлари, дейди у, Ленининг улуғ васиятларига ҳамиша содиқ бўлиб, коммунистик жамиятни тезроқ қуриш учун бутун кучларини сарф қиладилар.

Залда барабанлар, карнайларнинг садоси янграйди. Шаҳар пионерларининг вакиллари ўз оналари ва опаларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайдилар.

Йиғилиш қатнашчилари узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома қабул қиладилар. Ўзбекистон ССР гимни янграйди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Эгасини топмаган хатлар“

Газетамизнинг шу йил 27 январь сонидаги «Ўртўқмоқ» бўлимида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хабарда Тошкент почтамти сортировка бўлими ходимларининг ишида юз берган жиддий камчиликлар танқид қилинган эди.

Почтамт бошлиғининг ўринбосари Ўртоқ А. Йўлдошевнинг ректорлиги маълум қилишича хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Хабар сортировка бўлими коллективида муҳокама қилинган ва айбдор ходимлар қаттиқ огоҳлантирилган. Бўлим иши устидан контроль кучайтирилган. Шаҳар аҳолисига алоқа воситаларининг хизмат кўрсатишини яхшилаш юзасидан тадбирлар кўрилган.

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ—СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

ОНА

Она ўгит фарзанд отига,
Улғайтган шу-шу ювиб-тараб.
Парвонамиз бўлган ўргилиб,
Меҳр билан эрта-кеч қараб.
Мурғак эдик ғунча мисоли,
Кўкрак бериб, йўргакка олган.
Узоқ тунлар аллалар айтиб,
«Атакчечак» шу йўлга солган.
Шу кулгига ўргатган бизни,
Оқ-қорани танитган бошлаб.
Шу турмушнинг оғирликларин
Енголган куч, орқага ташлаб,
Она сўзин шундан улуғлаб,
Ҳурматлаймиз-қалбимизга тенг.
Она бағри — бу ҳаёт демак,
Мазмунанчи бир дунёча кенг.
Шу она-да, бизни Ватанга —
Содиқ бўл деб ўстирган киши.
Она сутин оқлаш албатта
Садоқатли фарзанднинг иши:
Она ўгит фарзанд отига,
Улғайтган шу-шу ювиб-тараб.
Китоб бериб, — мактабни сев— деб
Кузатган шу, ҳар кун эрталаб.

Толиб ЙЎЛДОШ.

Ўнта бўлса ўрни бошқа

«Она бахти», «Она меҳри», «Фарзанд қувончи» деган гаплар илгари камдан-кам тилга олинар экан. Негаки ўтмишда оналаримиз бахт нималигини билмай, хасрат-надоматда ўтдилар.

Совет замонасида «Она» сўзи муқаддас, фарзанд — онанинг бахти, ота қувончи бўлиб қолди. Мен бу гапларни ўзимдан қиёс қилиб, айтаётирман. 34 ёшга киргунимда 9 фарзанднинг онаси бўлдим. Шу болалар туфайли иззат-ҳурмат, кўрдим. Давлат томонидан болаларим учун берилаётган нафақа уларни соғлом ва илмли қилиб тарбиялашимизда катта роль ўйнамоқда.

Тўнғичим 14 ёшга кирди. Бошқалари ҳам кетма-кет етишиб келмоқда. Болаларнинг катталари мактабда, кичиклари болалар боғчасида тарбияланаётирлар.

Мен она бўлганим учун ҳам бахтиёрман. Менинг бахти-саодатим миллион-миллион оналарнинг қалбида ҳам яшайди.

Ўнта бўлса, ўрни бошқа деганларидек, мамлакатимизда дунёга келган ҳар бир янги меҳмон она учун янги бахт, янги саодат келтиради. Болали уйда ғийбат йўқ. Бизнинг улкан совет оналамиз серфарзанд. Фарзандларимизнинг истиқболи тинчлик ишига боғлиқдир.

Мен бутун дунё хотин-қизларининг байрами — 8 Март куни тинч ва фаровон ҳаётимиз учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан миннатдор эканлигимизни оналар номидан изҳор қиламан.

Лутфиниса ИЎЛДОШЕВА,
Оржоникидзе район, Хрушчев номли колхознинг аъзоси.

Буларнинг ҳам катта ҳиссаси бор

Халқаро хотин-қизлар куни — 8-Мартнинг 50 йиллиги бутун совет халқи мисли кўрилмаган даражада кўтаринки руҳ билан КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашаётган бир пайтда нишонланмоқда.

Дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг тенгҳуқуқ, озодлик ва илм-маърифат учун олиб борган ярим асрлик кураши ажойиб қаҳрамонлик намуналари билан тўлиб-тошгандир. Бизнинг мамлакатимизда 8 март қирқ йилдан бери шод-ҳуррамлик билан байрам қилиб келинмоқда. Бизда хотин-қизлар давлатни бошқаришда, сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётда, янги турмуш қуришда актив курашчидирлар. Республикамиз пойтахти хотин-қизлари ҳам мана шу курашда муносиб ўринни эгаллаб келмоқдалар.

Тошкент саноат корхоналарида ишлаётган меҳнаткашларнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Булар орасида С. Пўлатова, В. Пидинова, Л. Светашова, Л. Муҳаммаджонова ва Чепрунова ўртоқлар сингари юзлаб новатор хотин-қизларимизнинг номи фахр билан тилга олинади.

Пойтахтдаги хотин-қизлар советлари оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини кучайтиришда партия, совет ва комсомол ташкилотларига катта ёрдам бермоқдалар. Корхоналарда, муассасаларда, маҳалла комитетларида, колхоз ва совхозларда 648 хотин-қиз Совети ишлаб турибди. «Ташкенткабель» заводи хотин-қизлар Совети (раиси ўртоқ Львова) айниқса актив фаолият кўрсатмоқда. Бу Совет «Коммунистик жамият кишиси қандай бўлиши керак», «Етти йилликда заводимиз ва коллективимизнинг вазифалари» деган темаларда тематик кечалар ўтказди. Бу ерда 18 ишчи хотин-қиз актив рационализатор сифатида меҳнат шароитини қулайлаштиришга, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга қаратилган қимматли таклифлар киритмоқда.

Завод хотин-қизлар Совети ишчи аёлларнинг таклифини назарда тутиб, болаларни тарбиялаш, кулинария, медицина темаларида ва қандай кийиниш, жамоат ўртасида ўзини қандай тутиш ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказиб туради. Иккита бичувчилик ва тиқиш тўгараги ҳамда бадиий тиқиш тўгарагига юзга яқин хотин-қиз фаол қатнашмоқда.

Хотин-қизлар Советлари болаларнинг дам олишини уюштиришда, тўгараклар ташкил этиш ва уларда машғулотларнинг мунтазам равишда мазмунли ўтишини таъминлашда актив роль ўйнамоқдалар. Пенсионер Александра Игнатьевна Чилик Пролетар кўчасидаги уй ҳовлисида уй-жой бошқармаси ҳузурида бир неча йилдан бери болалар майдончаси ташкил этиб келмоқда. Майдончада болаларнинг мароқли дам олиши, яхши тарбияланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш бу аёлга доимий одат бўлиб қолган.

6-уй-жой бошқармаси ҳузуридаги хотин-қизлар активи (бошлиги республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи—пенсионер Енилеева) ҳам ибратли ишлар қилмоқда. Бу актив ўз ташаббуси билан мактаб ўқувчилари учун махсус хона қурди.

Шаҳар хотин-қизлар Совети ҳузурида: ишлаб чиқариш, оммавий-маданий, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, социал таъминот, халқ маорифи бўйича секциялар ташкил этилган. Хотин-қизлар Советларининг раислари учун доимий семинар анчадан бери давом этмоқда. Семинарда махсус тематика асосида машғулот олиб борилаётир. Жумладан семинарда: «Ўзбекистон халқ хўжалигининг янада ривожланиш истиқболлари», «Совет адабиётида В. И. Ленин образи», «Оилада эстетик тарбия» сингари темаларда мазмунли лекциялар ўқилди ва шу масалалар юзасидан тажриба алмашилди.

8-Мартга бағишлаб «СССРда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш» деган темада назарий конференция ўтказилди. Бунда хотин-қизлар Советларининг раислари доклад қилдилар.

Хотин-қизлар Советининг бир группа аъзолари унча зарур бўлмаган маъмурий биноларни мактаблар ва болалар боғчасига айлантириш юзасидан катта иш қилдилар.

Ҳозирги пайтда йирик саноат корхоналарида ва муассасаларда хотин-қизларни тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласи қандай аҳволда эканлигини ўрганмоқдамиз.

Шаҳар хотин-қизлар Совети ишини яхшилаш ва унинг фаолиятини янада активлаштириш учун кекса большевик аёллар, меҳнат ва революция ветеранлари Ғойибжонова, Самойленко, Обидова, Цибизова, Костина, Ниязова ўртоқлар яқиндан ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Биз бу ташаббускор, тиниб-тинчимас, ҳормас-толмас онахонларимизданожда миннатдормиз.

Шаҳар хотин-қизлар Совети ва унинг қуйи ташкилотлари кенг жамоатчиликка, айниқса актив хотин-қизларга таянган ҳолда ўз фаолиятини янада активлаштиради. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор.

Ушбу минбардан фойдаланиб, мен шаҳар хотин-қизлари Совети номидан пойтахтдаги барча хотин-қизларни — коммунизмнинг актив қуруувчиларини традицион байрам — 8-Март куни билан қизғин табриклайман.

С. РАҲМАТХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар хотин-қизлар Советининг раиси.

Суратда: (чапдан биринчи қаторда) Солиҳа Обидхонова — Янгийўлдаги ёғ заводи хотин-қизлар советининг раиси, Шуша Безгунова — Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози хотин-қизлар советининг раиси, Улуғ Иброҳимова — Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхози хотин-қизлар советининг аъзоси, Хожар Бегимбетова — Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз хотин-қизлар советининг раиси, Мамлакат Мақсудова — Янгиер шаҳридаги «Фарҳод» совхози хотин-қизлар советининг аъзоси, Мунис Маҳмудова — Гулистон районидаги «Красная заря» қишлоқ советининг раиси, Майнгул Аҳатова — Пискент район хотин-қизлар советининг раиси; (иккинчи қаторда) Карима Хожиакбарова—Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз хотин-қизлар советининг раиси, Мукаррам Рустамова — Бекобод районидаги Калинин қишлоқ советининг раиси, Ҳосият Бобоева — Гулистон район хотин-қизлар советининг раиси, Зулайхо Худойбердиева — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози хотин-қизлар советининг раиси.

В. Салов фотоси.

Бахтимни меҳнатда топдим

Мен тенгқурларим каби касб танлашда унча қийналганим йўқ. Чунки мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ бичиш-тикишга қизиқар, бўш қолдимми, тикув машинасига ёпишар эдим. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни тугатиб, ҳеч иккиланмай, тикувчилик фабрикаси қучоғига отилдим. У ердагилар ҳам мени қучоқ очиб қарши олишди.

Фабрикада ўзимни эркин ҳис қила бошладим. Кўп ўтмай цехдагилар билан худди туғишган опа-сингиллардек апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Бичиш-тикишга анча кўлим келиб қолган бўлса ҳам дастлабки кунларда бироз оғир бўлди. Шунда касбдошларим ўзларининг меҳнат соҳасида орттирган бой тажрибаларини ўртоқлашиб, чевар тикувчи бўлиб етишишимда яқиндан ёрдам бердилар. Ҳозир мустақил равишда ишлаб, топшириқни ортиғи билан бажараяпман.

Бугун мен ўз байрамимизни биринчи марта меҳнат кишилари, менга ўз бахтимни топиб олишда ёрдам берган ҳамкасб опа-сингиллларим даврасида нишонлаётирман. Мен ҳақиқатан ҳам бахтимни меҳнатдан топдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, сиз қилаётган ишга манзур бўлса, бундан ҳам ортиқ бахт бўладими, ахир!

Меҳнаткашларимизнинг нозик дид билан тикилган чиройли ва бежирим кийим-кечакларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатида биз чеварлар зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклайди. Шунинг учун ҳам коллективимиз аҳолига манзур бўладиган кийим-кечакларни кўплаб ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш учун ички резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Фабрикамизни бахти кулган хотин-қизлар даргоҳи десак хато қилмаймиз. Чунки бу ерда фидокорона меҳнат қилаётган 2300 хотин-қиз худди менга ўхшаб, ўз бахтини меҳнатда топган.

Халқаро хотин-қизлар куни байрам қилинаётган бу шодиёна кунда аҳил ва иноқ коллективимиз номидан ишонтириб айтаманки, бу йил ҳам худди ўтган йилдагидек баракали меҳнат қилиб, зиммамизга юклатилган вазифаларни шараф билан адо этамиз. Шонли партиямиз ва Совет ҳукумати биз хотин-қизларнинг баракали меҳнат қилишимиз, билим олишимиз учун тинмай ғамхўрлик қилиб келаётган эканлар, шу қудратли социалистик Ватанимиз равнақи йўлида қанчалик кўп меҳнат қилсак ҳам оз.

М. ТОШМУҲАМЕДОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг тикувчиси.

Ҳамза асарларини ўқиб...

Бугун халқаро хотин-қизлар куни! Бу улуғ байрамни кенг нишонлар эканмиз, хотин-қизлар озодлиги учун мардонавор курашган ва бу кураш йўлида ҳалоқ бўлган ватанпарвар кишиларимизнинг азиз номларини албатта яна бир марта ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўзбек хотин-қизлари озодлиги йўлида кўрсатган жонбозлигини халқимиз сира унутмайди. Севимли адибимизнинг хотин-қизлар озодлиги тўғрисида ёзган жўшқин шеърларини ўқиб, Ҳамзага бўлган муҳаббатимиз яна ҳам ортади.

Толмас курашчи Ҳамза Гулбаҳор ва Жамилаларнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди.

Ҳамза хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг бўлиши, уларнинг порлоқ келажаги ва бахтли турмушларини ҳам ёрқин поэтик мисраларда тараннум эта олди. Қоронғи, зулмат ва қуллик тимсоли бўлган паранжининг хотин-қизларимиз учун қанчадан-қанча қулфатлар келтирганлиги Ҳамза асарларида кескин фош қилинади. Шонр хотин-қизлар ҳуқуқини оёқ ости қилишга уринган дин пешволарининг жирканч ва қабиҳ қилмишларини рўй-рост очиб ташлади.

Ҳамза асарларини ўқир эканмиз, бизда ўтмишга нисбатан чексиз ғазаб ҳислари уйғониши билан бирга, октябрь қуёши туфайли эришилган янги озод ҳаётнинг асл моҳиятини ҳам чуқурроқ англаймиз.

Ҳамза орзулари бизнинг замонамизда тўла амалга ошди. Хотин-қизлар эркаклар билан қўлни-қўлга бериб халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Эндиликда биз атоқли олима ва толмас тадқиқотчи, минглаб врач ва ўқитувчи аёлларимиз билан ҳақли равишда фахрлана оламиз.

Нафиса ХУЖАЕВА.
САГУ студенти.

БАХТИЁР ОНА

Дарахт шохчаларини секингина тебратиб эсаётган шабада кишиларга байрам табриклари олиб келмоқда. Санобар опа гоҳ супрага, гоҳ қозон тепасига ғизиллаб байрам тараддудини кўрарди. Унинг 9 фарзанди ҳам ҳар хил юмушлар билан банд. Шу пайт эшикдан ўрта бўйли қотмагина бир қиз кириб келди. У кўп болали она Санобар опа Абдуқодирова бошлиқ бўлган бригаданинг аъзоси Норбуви Иброҳимова эди.

— Ассалом опажон! — қувончини дилига сиғдиролмай Санобар опага яқинлашди у. — Ҳамма ишни ташлаб аввал сизни кириб келаётган байрам билан табриклаб қўйиш учун келдим.

— Вой шўрим, — қаҳ-қаҳ отиб кулди Санобар опанинг қизи Сайёра, — иш билан бўлиб ойимни табриклашни ҳам унутибман.

Ҳовлида тўпланган, иш қилиб юрган катта-кичикнинг ҳаммаси бу гапдан бараварига кулиб юборишди. Сайёра билан Норбуви эса Санобар опанинг икки ёнига ўтишиб бирин фарзандлик, яна бири қадрдонлик меҳри билан уни қучоқлашди.

— Бахтли онасиз! — дер эди Норбуви Иброҳимова ўз бригадирига, — оилаларгина эмас, бригадада ҳам, колхозда ҳам обрўйингиз катта.

Ҳонадонда яна байрам тараддуди бошланди. Бу ерга дамба-дам меҳмонлар келишиб, Санобар опани табриклашарди. Унга сиҳат-саломатлик, ишда ва оилада муваффақият тилашарди. Суратда: Сайёра билан Норбуви Санобар опани табриклямоқдалар.

Сирдарё район, «Коммунизм» колхози.

В. Салов фотоси.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети полеонтология кафедрасининг мудири, геология-минералогия фанлари доктори София Ҳамидовна Миркомолова Ўрта Осиё территориясида палеоген даврида (бундан 50-60 миллион йиллар аввал) денгиз ҳавзалари қазилмалари организмлари қолдиқларини ўрганмоқда. Суратда: С. Ҳ. Миркомолова.

В. Лейзерович фотоси.

Клара Цеткин

ХОТИРА ДАФТАРИДАН

Ўртоқ Ленин хотин-қизлар масаласи ҳақида мен билан бир неча бор гаплашган. У, хотин-қизлар ҳаракатига омма ҳаракатининг муҳим таркибий қисми деб қараб, унга жуда катта аҳамият берарди. Ўз-ўзидан маълумки, хотин-қизларнинг социал жиҳатдан тўла тенг ҳуқуқлилиги унинг назарида коммунист учун мутлақо шубҳасиз бўлган асос эди.

Бу мавзу устида биз биринчи марта 1920 йил кузида Ленининг Кремлдаги катта кабинетида узоқ суҳбат қилган эдик.

— Биз аниқ, муайян назарий асос заминида қудратли халқаро хотин-қизлар ҳаракатини албатта вужудга келтиришимиз лозим, — деб гап бошлади у саломлашиб бўлгач. — Марксистик назариясиз яхши практика бўлиши мумкин эмас, бу равшан нарса. Биз, коммунистлар, бу масалада ҳам гоят принципиал йўл тутишимиз керак. Биз бошқа ҳамма партиялардан кескин суратда ажралишимиз керак. Тўғри, бизнинг II Халқаро конгрессимиз, бахтга қарши, хотин-қизлар масаласини муҳокама қила олмади. У масалани ўртага қўйди-ю, аммо бирон аниқ позицияни эгаллашга улгира олмади. Масала комиссияга топширилгачча қолиб кета берди. Комиссия резолюция, тезислар ишлаб чиқиши, қатъий бир йўл белгилаши лозим. Аммо шу вақтга қадар унинг иши илгари силжимаяпти. Сиз бу соҳада комиссияга ёрдам беришингиз керак.

Ҳозир Ленин айтиб берган гапларни мен аллақачон бошқалардан ҳам эшитган эдим, шунинг учун бу нарса мени таажжубга солганини изҳор қилдим. Рус хотин-қизларининг революция вақтида қилган барча ишлари, уларнинг революцияни ҳимоя қилиш ва уни янада ривожлантириш йўлида кўрсатаётган жасоратлари мени жуда завқлантирар эди. Большевиклар партияси сафларидаги хотин-қиз ўртоқларнинг тутган ўринлари ва қилаётган ишларига келганда, мен, бу соҳада партия тўғридан-тўғри намунадир, партия халқаро коммунистик хотин-қизлар ҳаракатига таълим олган ва синалган қимматли кучлар беради ва айни замонда буюк тарихий намуна бўлиб хизмат қилади, деб билардим.

— Бу ҳақ гап, жуда яхши гап, — деди Ленин бироз жилмайиб. — Петроградда, бунда Москвада ва булардан узоқдаги шаҳар ҳамда саноат марказларида пролетар хотин-қизлар революция истаклари эркинлик ва коммунизмдир. Шундай, бизнинг хотин-қиз ишчиларимиз ажойиб кишилардир, улар — синфий жангчилардир. Улар мақтов ва муҳаббатга сазовор кишилардир.

... Бизнинг идеология соҳасидаги тушунчаларимиздан ташкилий тадбирлар ҳам келиб чиқади. Коммунист хотин-қизларнинг ҳеч қандай алоҳида ташкилотлари бўлмаслиги керак! Эркак коммунист партиянинг қандай аъзоси бўлса, аёл коммунист ҳам худди шундай аъзосидир, уларнинг бурчлари ва ҳуқуқлари ҳам бир хилдир. Бу соҳада фарқ бўлиши мумкин эмас. Бироқ биз фактлардан кўз юма олмаймиз. Партиянинг ўз органлари — ишчи группалари, комиссиялари, комитетлари, бўлимлари бўлиши керак, буларнинг номлари қандай бўлишидан қатъий назар, улар олдида турган махсус вазифа — хотин-қизлар оммасини курашга уйғотиш, уни партия билан боғлаш ва партия таъсири остида сақлашдир. Бунинг учун биз, албатта, бу хотин-қизлар оммаси орасида бутун кучимиз билан мунтазам иш олиб боришимиз зарур. Биз фаолиятсизликдан қутилган хотин-қизларни курашга ўргатишимиз, жалб қилишимиз ва пролетариатнинг Коммунистик партия раҳбарлиги остида олиб борадиган синфий кураши учун қуроллантиришимиз керак. Мен бунда фақат фабрикада ишлайдиган ёки уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган пролетар хотин-қизларнигина эмас, балки деҳқон хотин-қизларни, турли майда буржуа қатламларига мансуб бўлган хотин-қизларни ҳам назарда тутяпман. Буларнинг ҳаммаси ҳам капитализм қурбонларидир, уруш эса уларнинг бу қисматини мислсиз даражада оғирлаштириб юборди. Бу хотин-қизлар оммасининг сиёсатдан, жамият ишларидан узоқлиги, онгининг қолоқлиги, фаолият доирасининг торлиги, умуман турмуш савиясининг пастлиги — ана шуларнинг ҳаммаси фактлардир. Буларга эътибор бермаслик бемаънилик, батамом бемаънилик бўларди. Бу хотин-қизлар орасида иш олиб бориш учун бизнинг ўз органларимиз бўлиши керак, агитациянинг махсус методларига ва ташкилий формаларига эга бўлишимиз лозим. Бу «хотин-қизлар ҳуқуқини» буржуача ҳимоя қилиш эмас, балки амалда муайян бир революцион мақсадни кўзлашдир.

В. И. Ленининг васиятлари ана шундан иборатдир.

Эроннинг революционер шоири ҳақида китоб

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти Эроннинг машҳур революционер шоири Эҳсон Табарий ҳақидаги китобни босиб чиқарди. Эрон халқ партияси гимнининг автори, подполье, турма ва эмиграцияда ҳам иродаси букилмаган, революцион фаолияти учун ўлим ҳукмига ҳукм қилинган Эҳсон Табарий ўзининг прогрессив қарашлари билан машҳурдир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультети доценти Ш. Шомуҳамедов томонидан ёзилган очерк ҳам китобда босилган.

«Оила номуси»

Халқ ҳаваскорлари театрининг ташкил этилганига кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин ана шу қисқа вақт ичида театримиз тамошабинларга бир қатор янги спектакларни намойиш қилишга муваффақ бўлди.

Пойтахт тамошабинлари коллективимиз саҳналаштирган Озарбайжон драматурги М. Шамхаловнинг «Қайнона», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» деган асарларини қизиқиш билан кутиб олдилар.

Кечагина «Оила номуси» саҳна асарини пойтахт жамоатчилиги кўригидан ўтказдик. Ҳаваскорларимиз ижодини юқори баҳоладик.

Туркман драматурги Ҳусайн Мухторнинг «Оила номуси» драмаси театримиз репертуаридаги замонавий спектакллардан бири ҳисобланади. Спектаклга фаровон ҳаёт кечираётган аҳил оила темаси асос қилиб олинган. Асар тамошабинни оила ҳаётида юз берган муҳим ҳодисалар билан таништиради. Оила тарбиясидан четда қолган оила «эрка тойи», тақдири тамошабини қизиқтиради. Спектакль конфликти ва воқеа ривожи ҳам қизиқарли ҳал қилинган.

Асарни саҳналаштиришда республика театрларининг тажрибали актёрлари қўлларидан келган ёрдамларини аямадилар.

Айниқса «Ударник» артели ишчиси Бахтиёр Эрматов, ўй ишлари билан шуғулланувчи Марҳамат Қамбарова, коммунал хўжалик билим юрти студенти Исматулла Неъматуллаев, 1-босмахона ишчиси Саъдулла Аҳмедов ва бошқалар ижро этган роллар жонли чиққан.

Театримиз ўз репертуарини ҳозирги замон темасида ёзилган асарлар билан бойитишга ҳаракат қилаётир. Яқин кунлар ичида «Камолот» деган спектаклни тайёрлашга киришамиз.

Ҳаваскор театр коллективлари республика кўригига коллективимиз «Оила номуси» спектакли билан ҳам қатнашади.

Ғ. МУРОДОВ,

Тошкент шаҳар Охунбобоев номли маданият уйи қошидаги халқ театрининг бадиий раҳбари.

Улуғ айёмингиз тонг отарида Юракдан қутлайман иккингизни ҳам.

Онажон билан сиз фарзанд мадҳини Ҳар қанча куйласам шунча бўлур кам...

А. Тўраев фотоэтюди.

Расмлар галереяси

Чирчиқ электрокимё комбинатининг маданият саройида ҳаваскорлар тасвирий санъат студияси ишламоқда. Бу студиянинг ёш санъаткорлари жуда кўп картина ва этюдлар яратганлар. Ҳаваскор рассомлар ўз асарларида шаҳардаги қурилишлар, Чирчиқ ва Бўстонликнинг ҳушманзара жойлари, меҳнат қаҳрамонларини тасвирлашган.

Студия ҳаваскорлари Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Н. Уфимцев билан яқиндан алоқа боғладилар. Атоқли рассом чирчиқликлар ҳузурида бўлиб, шогирдларига қимматли маслаҳатлар берди. Ўз навбатида кимёгар-рассомлар ҳам В. Н. Уфимцев ўйнга меҳмон бўлиб келдилар. Уфимцевнинг асарлари ва янги ижодий планлари билан таништилар.

Чирчиқлик ҳаваскорлар расмлар галереяси тузиш ниятида эканликларини билдирганларида рассом ўзининг «Болтиқ денгизи», «Хина», «Рус мотиви» каби бир қанча полотноларини уларга совға қилди.

Чирчиқликларнинг галерея ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи фондидан кимёгарлар маданият саройига ажратиб беришга қарор қилинди.

В. НЕФЕДОВ.

Завод устахоналар очмоқда

Оҳангарон қурилиш материаллари заводи дирекцияси шаҳардаги телевизор эгаларининг талабларини эътиборга олиб, ҳар хил маркадаги телевизорларни ремонт қиладиган устахона очди. Бундай устахона завод ташаббуси билан Тешиктош поселкасида ҳам очилади.

Корхона бундан ташқари, радиоприемниклар, тикув машиналари ва электр токи билан ишлайдиган ўй-рўзғор буюмларини ремонт қилиб, тузатадиган устахоналар ҳам очишни мўлжалламоқда.

А. КУНИЕВ.

Суратда: «Оила номуси» спектаклидан бир кўриниш.

ШАХМАТ

Республика биринчилиги учун

Ўзбекистон ССР биринчилиги учун бўлаётган ярим финал мусобақанинг биринчи турида тошкентлик шахматчилар Мухин ва Лазарев учрашуви биринчи бўлиб тугади. Қора доналар билан ўйнаган ёш шахматчи Лазарев бу партияни ютиб, биринчи очкони қўлга киритди. Надеждин-Юсупов партиясида чиройли комбинациялар ўйналди. Бу партияда Надеждин кетма-кет икки сиҳоҳини қурбон қилди. Бунинг эвазига у рақибининг фаразини ютиб олди. Шундан сўнг Юсупов ўйинни тезда ютқазди. Бударин (Тошкент) Элбеков (Тошкент)ни, Елистратов (Тошкент) Неверов (Тошкент области)ни, Шиварев (Қорақалпоғистон АССР) эса Базикин Тошкент)ни ютди. Бирбрагер ва Сорокин партияси баравар позицияда кечиктирилди.

Иккинчи турда Лазарев Неверовни осонгина ютди. Юсупов-Элбеков ўйинлари кескин равишда ўтиб, кейингисининг фойдасига ҳал бўлди. Бирбрагер Ильязовни, Горев Базикинни таслим қилди. Сорокин-Надеждин учрашуви дуранг бўлди. Икки турдан кейин Лазарев икки очко билан олдинда бормоқда. Кеча учинчи тур ўйналди.

У. ЭЛБЕКОВ,

мастерликка кандидат.

Чет элларда

АЛБАНИЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ТИРАНА, 6 март. (ТАСС). Бугун матбуотда Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунга 90 йил тўлишини байрам қилиш ҳақидаги қарори эълон қилинди.

В. И. Ленин туғилган кундан бери ўтган 90 йил, дейилади қарорда, марксизм-ленинизм буюк идеяларининг гоят катта революцион кучини кўрсатиб турибди. Ҳалқаро майдонда кучлар нисбати демократия ва социализм кучлари фойдасига тубдан ўзгарди. Марксизм-ленинизм голиб идеялари жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги миллионмиллион меҳнаткашларнинг ақл ва қалбига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Албания Меҳнат партияси ўзининг бутун фаолиятида В. И. Лениннинг ўлмас таълимотига ҳамиша амал қилиб келди ва амал қилмоқда. Миллий озодлик ҳаракатидаги ва социалистик қурилишдаги барча ғалабаларга шу туфайли эришилдики, дейилади қарорда, Меҳнат партияси марксизм-ленинизм идеяларига ҳамиша қатъий амал қилиб келди, оппортунистларга ва ревизионистларга қарши қаттиқ курашда бу идеяларни оғишмай ва ижодий тарзда амалга ошириб келди.

Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети ўз қарорида В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини нишонлаш юзасидан мамлакатнинг коммунистларини ва ҳамма меҳнаткашларини В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан, марксизм-ленинизм ўлмас идеялари билан, пролетариатни ва меҳнаткашлар оммасини капиталистик зулмдан ва эксплуатациядан озод қилиш учун курашда В. И. Лениннинг тарихий роли ва унинг фаолиятининг ҳалқаро аҳамияти билан таништириш мақсадида, социалистик мамлакатларнинг, ҳалқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муваффақиятларини кўрсатиш ҳамда ленинизмнинг шонли ватани — Совет Иттифоқи ва қудратли социалистик лагердаги бошқа ҳамма мамлакатлар билан дўстликни янада мустаҳкамлаш мақсадида кенг пропаганда кампанияси ўтказишга даъват этади.

ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНОНИНГ ФАРМОНИ

ЖАКАРТА, 6 март. (ТАСС). Антара агентлиги билдиради: кеча Индонезия президенти Сукарно фармон чиқариб, бу фармонда кечаги кундан эътиборан Индонезия парламентининг аъзоларига ўз вазифаларини адо этишни тўхтатишга буюрди. Фармонда президентнинг Индонезия парламенти составини 1945 йилги конституция асосида қисқа вақт ичида янгилашга қарор берганлиги айтилади.

Бу қарор, дейилади агентликнинг ахборотида, бошқа мулоҳазалардан ташқари, яна шу мулоҳазага асосланиб қабул қилиндики, Индонезия парламенти ўз вазифасини адо этишда кабинет билан парламент ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш соҳасидаги ишончни оқламади ва Индонезия конституциясига, шунингдек муайян мақсадга қаратилган демократия ҳамда 1959 йилги сиёсий манифестнинг руҳига амал қилиб иш олиб бормади.

АҚШДА РАКЕТАЛАР ПОРТЛАШИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 март. (ТАСС). Америка телеграф агентликларининг хабар беришича, ҳарбий ҳаво кучларининг Ванденберг базасида (Калифорния штати) кеча қитъаларараро «Атлас» баллистик ракетаси портлаган. Ракета учириш установкасида, ёнилғи қўйиш машқи вақтида портлаган. Матбуотнинг билдиришича, «Атлас» ракетаси ядро зарядини қўтариб бориш учун тайинланган.

Шунингдек, телеграф агентликларининг хабар беришича, Канаверал бурунидаги синаш полигонида «Бомарк» деган бошқариладиган самолёт-снаряд учириш вақтида портлаб кетган.

ГАВАНА ПОРТИДА ЎҚ-ДОРИ ОРТИЛГАН ФРАНЦУЗ ПАРОХОДИ ПОРТЛАДИ

ГАВАНА, 5 март. (ТАСС). Кеча кундуз куни Гавана портида ўқ-дори ортилган «Ле Кувр» пароходи (Франция байроғи остидаги пароход) портлади. Жуда кучли портлаш натижасида порт районида кўп вайронгарчиликлар рўй берди. Ҳалок бўлган ва ярадор бўлганларнинг сони ҳали аниқланмаган. Полиция ва санитария машиналари зарар кўрган кишиларни кеч соат саккизгача ташидилар. Ҳалокат рўй берган райондаги баъзи бинолар ҳароба-зорга айланган. Электростанция шикастланган. Гавананинг эски қисми электр энергиясиз қолган.

Портлаш рўй берган райондаги ёнғинларни ўчириш ва зарар кўрган кишиларни қутқазиш учун полиция, революцион армия, ўт ўчириш ва медицина хизматининг жуда катта кучлари дарҳол ишга солинди. Шаҳарда намунали тартиб сақланмоқда.

Портлаш сабаблари номаълум.

Янги цехлар

Аҳолига турли-туман шкаф, диван, стол ва бошқа буюмлар тайёрлаб берайтган Оржоникидзе районидаги «Гужтранс» артели коллективи маҳсулот турини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда темирни штамповка қиладиган, болалар учун қўғирчоқ ўйинчоқлари тайёрлайдиган янги цехлар битказилиб ишга туширилди.

— Биз,— дейди артель правлениесининг раиси Ўртоқ Розенштейн, — доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигигача яна иккита цехни битказиш учун курашмоқдамиз. Бу цехларда ошиқ-мошиқ, шпингалит, эшик ва дераза даста-лари ишлаб чиқарилади.

И. РУСТАМОВ.

Телевизор экранида

8 МАРТДА

19.30. Ўзбек тилида «Онамнинг байрами» деган эшитириш.

19.50. Ҳалқаро масалалар бўйича рус тилида обзор.

20.05. Сўнгги ахборот.

20.25. Ҳужжатли фильм— «Россия қизлари».

21.25. Ўзбек тилида «Совет Ўзбекистон хотин-қизлари» телевизион журнали.

22.25. Хотин-қизларнинг талабларига мувофиқ эстрада концерти.

БИЛДИРИШЛАР

Тошкент область ижроия комитети область Советининг барча депутатларига маълум қиладики, шу йил 9 мартда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг VII чақириқ VI сессияси бўлади.

Кун тартибига область ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботи қўйилган.

Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбекистон давлат эстрада театрининг биносида очилади. Депутатлар шу ернинг ўзида соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

* * *

Касаба союзларининг Тошкент область Совети маълум қиладики, шу йил 11 март эрталаб соат 10 да, тўқимачиларнинг Маданият саройи биносида Тошкент область касаба союзларининг II Союзлараро конференцияси очилади.

Делегатлар 10 март куни Ташсбвпроф биноси (Ленинград кўчаси, уй № 13) да эрталаб соат 9 дан кечки соат 10 гача рўйхатга олинади.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкент янгиликлари

200 КИШИ 1961 ЙИЛ ҲИСОБИГА ИШЛАМОҚДА

Шаҳардаги пойафзал магазинларида хилма-хил оёқ кийимларини кўриб кўзингиз қувнайди. Бу оёқ кийимларининг бир қисми йил бошидан бир меёрда ишлаб яхши муваффақиятларни қўлга киритаётган 1- пойафзал фабрикасида тайёрланган. Фабриканинг меҳнатсевар коллективи февраль ойи топшириғини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 20 минг жуфтга яқин пойафзал ишлаб чиқарди.

Корхонада етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олган. Ишда маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришган 200 ишчи 1961 йил ҳисобига ишламоқда. 20 дан ортиқ илғор ишчи эса 1962 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Москва машинасозлари дан ўрнак олиб

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг қарорига мувофиқ «Таштекстильмаш» заводида Ўрта Осиёда универсал-йиғув мосламаларининг прокат базаси очилди. Бу база Ўзбекистон ССРдаги бешта иқтисодий-маъмурий районнинг ҳаммасига қарашли металл ишлайдиган корхоналарга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда прокат базасида олти мингдан кўпроқ типовой йиғма деталлар бор. Йил охиригача уларнинг сони 25 мингга етказилади. Ана шу деталлардан фойдаланиб, фрезерлик, токарлик ва йўниш ишларининг ҳамма асосий турларини бажариш учун мосламалар ясаш мумкин. Типовой йиғма деталлардан фойдаланиш машиналар ясаб чиқариш учун зарур бўлган анжомлар тайёрлашни тезлаштиради ва харажатларни анча камайтиради. «Таштекстильмаш» заводининг ўзида ана шундай анжомлар тайёрлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг сони учдан бир қисмга камайтирилади.

Тошкентдаги универсал-йиғув мосламалари прокат базаси Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг тажрибаси асосида тузилди. Пойтахт прокат базасининг иш тажрибалари билан танишмоқ учун Ўзбекистон машинасозларидан бир группаси Москвага бориб келган эди.

Парранда гўшти 3 ой ичида 10 процент кўпайтирилди

Паррандаларни боқиб катта қилишни арзонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Чорвачилик институти илмий ходимлари жуда арзон оқсилли озуқадан — ипакчилик саноати чиқиндиларидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Олимларнинг бу кашфиёти республикамиз колхоз ва совхозларида яқин 2 — 3 йил ичида паррандалар сонини анча кўпайтириш юзасидан қўйилган катта вазифани бажаришга ёрдам беради.

Пилланинг ипаклари олингач, унинг ичида қоладиган қуртларда жўжаларнинг ўсиши учун зарур бўлган оқсил ва витамин моддалари жуда кўп экан. Олимларнинг таклифига мувофиқ Қорасув инкубатор-паррандачилик станциясида паррандаларга ана шу чиқиндилар едирилди. Натижада парранданинг таннархи анча камайди ва маҳсулдорликни оширишга эришилди. Шу туфайли парранда гўшти 3 ой ичида 10 процент кўпайтирилди. Зотли паррандалар етиштиришда бу арзон озуқадан фойдаланиш айниқса яхши натижалар беради.

Тошкентнинг тамоша заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/III да **Кармен** (билетлар сотилган), 9/III да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 8/III да **Ҳуррият,** 9/III да **Гамлет.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—9/III да **Нина** ва **Александр Капитоновлар** раҳбарлигида **«Чанг алзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва янги программада тамошалар. Кеч соат 8 да бошланади.

Ҳўрланганлар (1-серия) —«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Бир кўришда берилган кўнгил — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Адам одам бўлмоқчи—«СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ленин йўлланмаси билан — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минутда ўзбек тилида).

Аёллар ҳимоячиси — КИНОЛЕКТОРИЙ (эрталаб соат 14, кундуз 1, 3 да).

«УЗБЕКВЗРИВПРОМ»ГА

смена мастерлари вазифасида ишлаш учун **кон инженерлари ва техниклари, портлатувчилар ва пармаловчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Самарқанд кўчаси, 50-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«УЗПРОМСАНТЕХМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

Бухоро, Термиз ва Қарши шаҳарларида участка бошлиқлари ва мастерлар вазифасида ишлаш учун **сантехник инженерлар ва техниклар**

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Апанасенко кўчаси, 35-уй, 3-қават, Телефон — 31-863.

ИККИНЧИ „ТАШПРОМТОРГ"НИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДА

ҳар хил саноат товарларини ва ўй-рўзғор буюмларини

НАСИЯГА ОЛИШ МУМКИН

Бируний майдонидаги 1-магазинда — металл кроватлар, самоварлар, чангдан тозалайдиган пилесослар, пол тозалайдиган полотёрлар, «Тула» тикув машиналари, шойи ва жун газламадан тикилган кийимлар, юқори класс ҳамда I ва II класс радиолалар ва радиоприёмниклар, фотоаппаратлар (400 сўмликдан тортиб), металл корпусли қўл соатлари, электропроигрователлар, патефонлар, гармониялар, велосипедлар, «Тула» ва «Вятка» мотороллерлари, М-1-М ва К-58 маркали мотоцикллар.

К. Маркс кўчасидаги 258-магазинда — юқори класс ҳамда I ва II класс радиолалар ва радиоприёмниклар, фотоаппаратлар (400 сўмликдан тортиб), металл корпусли қўл соатлари, электропроигрователлар, патефонлар, гармониялар, велосипедлар, «Тула» ва «Вятка» мотороллерлари, М-1-М ва К-58 маркали мотоцикллар, қайиқлар учун «Москва» моторлари, ов милтиқлари (700 сўмликдан тортиб).

Маҳкама кўчасидаги 34-магазинда — юқори класс ҳамда I ва II класс радиолалар ва радиоприёмниклар, фотоаппаратлар (400 сўмликдан тортиб), велосипедлар, «Тула» ва «Вятка» мотороллерлари, М-1-М ва К-58 маркали мотоцикллар, қайиқлар учун «Москва» моторлари, ов милтиқлари (700 сўмликдан тортиб), металл корпусли қўл соатлари, электропроигрователлар.

Сельмаш кўчаси, 1-уйдаги 255-магазинда — металл кроватлар, самоварлар, «Тула» тикув машиналари, чангдан тозалайдиган пилесослар, пол тозалайдиган полотёрлар, шойи ва жун газламадан тикилган кийимлар.

Октябрь бозоридаги 79-магазинда — металл кроватлар, самоварлар, «Тула» тикув машиналари, чангдан тозалайдиган пилесослар, пол тозалайдиган полотёрлар, шойи ва жун газламадан тикилган кийимлар.

Товарларни насияга олиш шартлари билан магазинларда танишиш мумкин.

Насияга товарлар олинг!

Граждандар диққатига!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ**

аҳолига сотиш учун

1960 йилда Оржоникидзе районида 2 ва 3 хонали

ДАЧАЛАР ҚУРАДИ

Мурожаат учун адрес: Пролитар кўчаси 6-уй, 3-қават, 80-хона. Телефон—28-973, 28-566, 28-809.

Тошкентдаги **«АВТОТРАКТОРОДЕТАЛЬ» ЗАВОДИГА**

14, 5, 6-разрядли токарлар, фрезерчилар, 5, 6, 7-разрядли слесарлар

КЕРАК

Адрес: Ленин район, Т. Шевченко кўчаси, 52-уй.

«Узгрансспецстрой» трестининг **УНР-984 ХОЗРАСЧЕТ УЧАСТКАСИГА**

бетончилар, дурадгорлар, ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, К. Цеткин кўчаси, 66-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

«УЗГИПРОШАХТ»ГА

лойиҳа тузувчи инженерлар ва техниклар: передача ва подстанцияларнинг лойиҳасини тузиш ишига электриклар, қурувчилар, сантехниклар, шунингдек иситиш ва вентиляцияга **доир инженерлар ва техниклар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалиқ бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретарнат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 01613. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1547.